

**КОРОНАВИРУС (COVID-19) ХАМРОҶ КАСАЛЛИК БИЛАН КЕЧГАНДА  
КАСАЛЛИҚДАН КЕЙИНГИ РЕАБИЛИТАЦИЯ ДАВРИДА АНИҚЛАНАДИГАН  
ЎЗГАРИШЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ**

**Болтабаев Муродилжон Умарович**

*Фарғона Жамоат Саломатлиги тиббиёт институти ассистенти.*

**Мавзу долзарблиги:** Бутун дунёда COVID-19 (Коронавирус касаллиги) пандемияси глобал муаммо сифатида илмий таҳлилларда ҳамон долзарблигича қолмоқда. Ушбу вируснинг ўзига хослиги ACE-2 ва CD147 рецепторлари мавжудлиги билан боғлиқ бўлиб, улар жуда кўп турли хил ҳужайралар (ҳатто илдиз ҳужайралари) ва тўқималарда жойлашганлиги сабали кўплаб аъзолар шикастланишининг ривожланишига сабаб бўлади.

Коронавируснинг янги тури, SARS-CoV-2 инфекцияси (оғир ўткир респиратор синдром коронавирус-2) нафақат ўпка тўқимасига тропизми билан, балки кўп аъзолар этишмовчилигининг юқори хавфи билан ҳам ажралиб туради.

Адабиётларда келтирилган маълумотлар бўйича, вирус эндотелиал ҳужайраларига тўғридан-тўғри таъсир этиб, эндотелиал дисфонсияни, ҳамда периваскуляр яллиғланишни чақиради ва шусабабли айрим адабиётларда «эндотелиит» термини ҳам қўлланилади.

Covid-19 - бу гетероген фенотипга эга бўлган оғир ва мураккаб касаллик хисобланади. Коронавирус инфекцияси беморларнинг организмига турлича таъсир қилади. Ушбу инфекция 50 ёшдан ошган, қандли диабет ва сурункали вирусли гепатит касалликларга чалинган беморлар учун жуда хавfli хисобланади. Коронавирус инфекциясининг диарея синдроми билан кечиши беморларда бошқа ёндош касалликларнинг оғир асоратларга олиб келиши ва ўлим билан тугашига сабаб бўлиши мумкин. Таъкидланишича, янги коронавирус инфекциясининг оқибатлари нафақат касалликнинг оғир кечиши, балки касалликнинг енгилроқ шаклига эга бўлган беморларда ҳам касалликдан кейин бир неча ҳафта ва ойлардан 1 йилгача давом этиши мумкин.

Хорижий тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, коронавирус инфекциясидан кейин 20% ҳолларда қолдиқ таъсирлар мавжуд. Дунёда пост- Covid синдромини ташкил этувчи камида 20 та симптом комплекслари тавсифланган. Covid-19 даврида кўплаб органлар ва тизимларнинг функциялари бузилганлиги, инфекциядан кейин узоқ давом этадиган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу беморларни даволашнинг устувор йўналишларидан бири касалликдан кейин танани тиклаш учун комплекс реабилитация ҳисобланади.

Реабилитация дастурлари беморларни кундалик жисмоний фаолиятга мослаштиришга, йўқолган функцияларни максимал даражада тиклашга, психо-эмоционал ҳолатни барқарорлаштиришга, шунингдек, юрак-қон томир тизими касалликлари хавфини камайтиришга, тромбоз ва касалликнинг қайталанишининг олдини олишга қаратилган.

Ишнинг мақсади ва вазифалари:

Коронавирус (Covid-19) хамроҳ касаллик билан кечганда касалликдан кейинги реабилитация даврида аниқланадиган ўзгаришларни ва клиник-лаборотор хусусиятларини ўрганиш.

Ишнинг асосий вазифасига қуйидагилар киради:

- Андижон вилояти кесимида Covid-19 ни ёндош касалликлар билан кечишини ўрганиш ва проспектив таҳлил қилиш;
- Беморларда Covid-19 ва ўткир диареянинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;
- Беморларда Covid-19 ва СВГ ни ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;
- Беморларда Covid-19 ва қандли диабетни ўзига хос хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқот объекти ва предмети:

Тадқиқот объектлари. Covid-19 ташхиси билан 2019-2022 йиллар мобайнида даволаниб чиқиб, реабилитация даврида кузатилган 18 ёшдан 75 ёшгача бўлган 96 нафар беморлар ташкил этди.

Тадқиқот предмети. ФВЮКШ диагностика бўлими ва шифохона лабораториясида ҳамда хусусий диагностика марказларида амалга оширилган таҳлил натижалари асосида олиб борилди.

Тадқиқот услубияти ва услублари: Covid-19 ёндош касалликлар билан яъни сурункали вирусли гепатитлар ва қандли диабет касалликлари билан бирга кечганда касалликнинг клиник хусусиятлари ўрганилди ва диарея синдромининг беморларда кечиш хусусиятлари ўрганилди (Асосий гуруҳ).

Назорат гуруҳи Covid-19 ташхиси қўйилган аммо ёндош касалликлари бўлмаган беморлар билан ташкил топган.

Реабилитация даврида диарея синдромини ўрганиш, ёндош касалликлар туфайли клиник ҳолатларни ўзгаришига, трансминазалар (Алт, Аст), умумий билирубин миқдори (боғланган, боғланмаган), капрограмма (микроскопия), иммун кўрсаткичлари ва бошқа клиник белгилар асосида таққосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси:

Касалликни Фарғона вилояти кесимида ўрганиш натижасида:

- Ёндош касалликлар проспектив таҳлил қилинди ва асоратлар сабаблари ўрганилди;
- Беморларда ёндош касалликлардан асосан СВГ, ҚД, диарея синдромининг клиник хусусиятлари индивидуал тарзда ўрганилди.

Проколсетанини ортиши иккиламчи инфекцияни қўшилиши ва интерлейкинларни ортишига ҳамда даволаш чора-тадбирларини кечикаётганидан далолат беради. Яллиғланиш белгиларининг ўзаро боғлиқлик кўрсаткичларини аниқлаш даво муолажаларни ўз вақтида амалга оширилишига сабаб бўлади;

Коронавирус касаллиги билан беморларда асосан энтеритик ва энтероколитик шакллар кузатилган. Ҳар икки гуруҳдаги беморларнинг оғирлик даражаси асосан ўрта оғир бўлган, бироқ Ковид гуруҳидаги беморларнинг оғирлик даражаси диарея синдроми ҳисобига эмас, аксинча асосий касалликка қараб баҳоланган. Сувсизланиш даражаси кўрсаткичи асосан ўрта даражада бўлган ҳамда ЎД гуруҳидаги беморларда 1,5 баравар кўпроқ учраган. Ичак микробиоценозининг бузилиши ҳам асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан деярли 2 баравар кўпроқ учраган;

Касалликдан кейин реабилитацияга олинган беморларни биринчи навбатда ёндош касалликлари ва уларни даврларига эътибор бериш керак;

Асоратлар юзага келишини олдини олиш учун индивидуал профилактик даво чоралари давом этилиши лозим.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва татбиқи:

Ўлимга олиб келувчи асоратларни олдини олиш учун, беморлардаги сурункали саматик касалликларини ҳам биргаликда даволаш, ташхис қўйилиши биланоқ даво муолажаларни бошлаш, беморларни реабилитация даврида ҳам индивидуал тарзда муолажаларни давом этиш тавсия қилинади.

Касалликни давомийлигига қараб, касаллик 4 ҳафтагача давом этса - ўткир, 4 ҳафтадан 12 ҳафтагача давом этса - ўткир ости, 12 ҳафтадан юқори бўлса - постковидный синдром яъни ковиддан кейинги синдром деб юритишимиз керак. Бу ўз навбатида беморда касалликнинг ўткир даври ўтганлиги лекин касаллик тўлиқ тузалмаганлигини аниқлашда ва реабилитация даврида даволаш чора - тадбирлари давом эттирилишига кўрсатма бўлади.

### **АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:**

1. Алашеев А.М., Анисимова Л.Н., Белкин А.А., и др. Клинические рекомендации «Вертикализация пациентов в процессе реабилитации». — М., 2014. 63 с.

2. Белкин А.А., Авдюнина И.А., Варако Н.А., и др. Реабилитация в интенсивной терапии. Клинические рекомендации // Вестник восстановительной медицины. - 2017. - № 2. - С. 139-143.

3. Бубнова М.Г., Аронов Д.М. Обеспечение физической активности граждан, имеющих ограничения в состоянии здоровья: методические рекомендации / Под ред. С.А. Бойцова // Кардиосоматика. — 2016. — Т. 7. — № 1. — С. 5–50.

4. Бурдули Н.М., Аксенова И.З., Крифариди А.С. Микроциркуляторные нарушения при хронической обструктивной болезни легких и внутривенное лазерное

облучение крови как метод патогенетической коррекции // Научные ведомости БелГУ. Серия: Медицина. Фармация. — 2017. — № 19. — С. 66–74.

5. Ватутин Н.Т., Смирнова А.С., Тарадин Г.Г., Гасендич Е.С. Лечебная реабилитация в комплексном лечении пациентов с хронической обструктивной болезнью легких: место глубокого йоговского дыхания // Вестник восстановительной медицины. — 2016. — № 2. — С. 62–68.

6. Временные методические рекомендации «Профилактика, диагностика и лечение новой коронавирусной инфекции (COVID-19). Версия 6 (28.04.2020)» (утв. Минздравом России). [Vremennye metodicheskie rekomendacii “Profi laktika, diagnostika i lechenie novoj koronavirusnoj infekcii (COVID-19). Versija 6 (28.04.2020)” (utv. Minzdravom Rossii). (In Russ).].

7. Boltaboev, A. (2023). COVID-19 INFECTIOUS DISEASES PRINCIPLES FOR TREATING SALICIES DURING A PANDEMIC . Евразийский журнал медицинских и естественных наук, 3(5), 262–266.

8. Boltaboeva, D. (2023). EPIDEMIOLOGY OF DISEASES OF THE DIGESTIVE SYSTEM OF COVID-19 ASSOCULATED FOOD AND COMPUTED TOMOGRAPHY IN PATIENTS WITH COVID-19. Евразийский журнал медицинских и естественных наук, 3(6), 121-127.

9. Kadirov, T. (2023). THE SPECIFICITY OF CORONAVIRUS INFECTION TO ITSELF (GENDER), THE INCIDENCE OF PRIMARY CLINICAL SIGNS IN PATIENTS AND THE PRESENCE OF PSYCHOEMOTIONAL DISORDERS. Евразийский журнал медицинских и естественных наук, 3(6 Part 2), 22-25.

10. M.T.Mamatqulova, Y.R.Rosibayeva, S.T.Yulchieva, H.A.Rakhimova //Pregnancy During a Pandemic of Coronavirus Infektion Covid-19 Risks and Effects on the Unborn Child// 2023 International Conferense February 19-23, San Francisco, CA. record number #4222350

11. Mamatkulova Makhbuba Tojalievna, Rosibayeva Yorkinoy Ravshanovna //Pregnancy during a pandemic of coronavirus infection COVID-19 risks and effects on the unborn child// Texas Journal of Medical Science. Volume 18. 08-03-2023. 1-5 pages.

12. Abdumannabovna A.K., Asadullaevna K.S. //DISEASE WITH POSTCOVID GASTRODUODENITIS AND THE ROLE OF DIET IN TREATMENT// EUROPEAN JOURNAL OF MODERN MEDICINE AND PRACTICE. - 2022. - Т. 2. - №. 3. - С. 52-55.

13. Akhundjonova Khakima Abdumannabovna Tillaboeva Surayo Zakirjonovna Ibragimova Nargizakhan daughter of Pakhlavonzhon //NUTRITION RATES IN PATIENTS WITH COMPLICATIONS OF CORONAVIRUS INFECTION// Международный научный журнал «Научный импульс» № 5 (100), часть 2 Декабрь, 2022. 204-206 стр.

14. Alimova Iroda Anvarovna //PNEUMONIA IN 1-YEAR-OLD CHILDREN: SYMPTOMS, TREATMENT AND PREVENTION// SCIENTIFIC JOURNAL OF RESEARCH IN MEDICINE (SIRM) Vol. 1 No.4 (2022). 9-12 pages.

15. Алимова Ирода Анваровна, Ахмедова Матлуба Мухаммаджоновна, Абдухалилова Гулчехра Мамировна, Пулатов Рузимухаммад //КЛИНИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ, ТЕЧЕНИЕ КОРОНОВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ, ОСЛОЖНЕНИЯ И ХАРАКТЕР ПОСТКОВИДНОГО СИНДРОМА У ДЕТЕЙ Г. ФЕРГАНЫ.// Международный научный журнал «Научный импульс» № 4 (100), часть 2. Ноябрь, 2022. 61-69 стр.

16. Alimova Iroda Anvarovna, Babadjanova Khursanoy Melibaevna //JUVENILE IDIOPATHIC ARTHRITIS// SCIENTIFIC JOURNAL OF RESEARCH IN MEDICINE (SJRM). Volume 1. Issue 4. October 2022. 6-8 pages.

17. Rayimova Zulfiyaxon Mahamatjonovna, Ibragimov Obidjon Baxtiyor o'g'li //KEKSA INSONLARDA ERITROSITLARNI KAMAYISH SABABLARI// Научный журнал «Студенческий вестник» № 20(165). 65-67 стр.

18. Райимова З.М, Холматова Е.Н, Эшонов Р.М, Умирзаков О.Э //БОРЬБА С НОВОЙ ЭПИДЕМИЕЙ КОРОНАВИРУСА ВО ВСЕМ МИРЕ И В УЗБЕКИСТАНЕ// "Экономика и социум" №4(83) 2 2021. 328-331 стр.